

## ЯНГИЕВ БАХТИЁР АХМЕДОВИЧ (ТАВАЛЛУДИННИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА)

2025 йил 29 январ куни мамлакатимизнинг таниқли шифокор-хирурги, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Навои, Сурхондарё, кейинчалик Самарқанд филиалларини узоқ йиллар муваффақиятли бошқарган, соғлиқни сақлашни ташкил этиш соҳасидаги етакчи раҳбар мутахассислардан бири, Самарқанд давлат тиббиёт университети «II госпиталь хирургия» кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Янгиев Бахтиёр Ахмедович таваллуд топганига 60 йил тўлди.

Б.А. Янгиев 1965 йилда Тошкент шаҳрида мамлакатимизнинг таниқли хирурги профессор Янгиев Ахмед Ходжаевич оиласида таваллуд топган. Оиласидаги ўзига хос мұхит, отасининг ўз касбига бўлган фидокорлиги, ҳамкаслари ва шогирдларининг ўз устозига бўлган чуқур ҳурмати ва иззати таъсирида Бахтиёр кичик ёшиданоқ тиббиётга, айниқса, хирургияга катта қизиқиш билдира бошлади.

1982 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан якунлаб, отасининг касбини давом эттириш мақсадида шу йили Тошкент давлат тиббиёт институтининг 1-даволаш факультетига ўқишига кирди. Талабалик давриданоқ Б.А. Янгиев хирургия асосларини катта қизиқиш билан ўргана бошлади, доимий равишда «Умумий хирургия» кафедрасида ташкил қилинган илмий тўгаракларда ўз билими ва кўникмаларини ўта меҳнатсеварлик ва билимга чанқоқлиги билан бойитиб келди, тез орада иқтидорли талабалар сафидан ўрин олди. Институтнинг юқори курсларида қўшимча равишда Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам кли-



ник шифохонасининг хирургия бўлимида тиббий биродар сифатида ҳам фаолият олиб борди.

1988 йилда институтни тамомлаган Б.А. Янгиев касбий фаолияти давомида хирург-шифокор ўтиши лозим бўлган барча босқичларни босиб ўтиб, соҳанинг сир-синоатларини мукаммал ўзлаштирган ҳамда малакали мутахассис сифатида шаклланган. Ҳусусан, 1988–1989 йилларда Тошкент шаҳридаги Чкалов номли Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг тиббий-санитария қисмида интерн-шифокор лавозимида ишлаган. 1989–2003 йилларда академик В.В. Воҳидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида хирург, катта илмий ходим сифатида самарали фаолият олиб борди. Бу даврда у нафақат юқори малакали амалиётчи шифокор, балки иқтидорли илмий ходим сифатида ҳам шаклланди.

Баҳодир Янгиев ўзининг асосий касбий ва илмий қизиқишларини хирургиянинг энг мураккаб йўналишларидан бири – қизилўнгач хирургиясига қаратди. 1994 йилда устози про-

фессор Абдуҳаким Мўминович Хаджибаев раҳбарлигида «Современные аспекты лечения кардиоспазма методом кардиодилляции» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

2003 йилда профессор А.М. Хаджибаевнинг тавсиясига кўра, ўша йилларда янги ташкил этилган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг шошилинч хирургия бўлимига катта илмий ходим сифатида ишга қабул қилинди. Ушбу лавозимда нафақат малакали хирург ва иқтидорли тадқиқотчи, балки кучли ташкилотчи сифатида ҳам намоён бўлди. У шошилинч хирургия соҳасидаги замонавий ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш, беморларга сифатли ва тезкор ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш йўналишларида фаол иш олиб борди.

Бахтиёр Ахмедович 2005 йилда ёш бўлишига қарамасдан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий филиали директори лавозимига тайинланди. У ушбу масъулиятли вазифада 2012 йилга қадар самарали фаолият юритиб, тиббиёт соҳасидаги юқсак хизмати учун бир қатор мукофотлар билан тақдирланди. 2012–2017 йилларда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг шошилинч хирургия бўлимида катта илмий ходим сифатида ишлаб, амалиёт ва илмий тадқиқотларни ўйғун тарзда олиб борди. 2017 йилда унинг бой раҳбарлик тажрибаси ва кучли етакчилик қобилиятлари инобатга олинган ҳолда, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё филиали директори лавозими-

га тайинланди. 2020 йилдан ҳозирги кунга қадар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали директори лавозимида фаолият юритиб келди.

Унинг раҳбарлигига ушбу тиббий муассасаларда шошилинч тиббий ёрдам сифатини ошириш, замонавий диагностика ва даволаш усулларини жорий этиш, тезкор ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2023 йилда РШТЭИМ Самарқанд филиалининг янги бинолар мажмуаси ишга туширилди ва энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. У бошқарган барча филиалларда малакали тиббий кадрларни тайёрлаш ва ёш мутахассисларга устозлик қилишга катта эътибор қаратди. Шунингдек, филиалларнинг моддий-техник база-

сини мустаҳкамлаш, тиббий жиҳозларни янгилаш, халқаро тажрибаларни жорий этиш ва bemorlariga shosilinch tibbий ёrdam kўrsatiishi xalqaro standartlarnga moslashтириш борасида самарали ташабbuslarни ilgari surdi, bir қатор юқори технологик muракkab хирургик амалиётларни, жумладан, кардиохирургик ва аъзолар трансплантацияси операцияларини татбиқ қилди. Россия Федерацияси, Белоруссия ва Туркияning etakchi klinikalarini bilan ўзаро самarали ҳамkorlik ўrnatdi. 2021 йилда Самарқанд шаҳrida ўtkazilgan «Шошилинч тиббиётда каминвазив технологияларнинг ўрни ва аҳамияти» мавzusidagi xalqaro ilmий-amaliй konferenцияni aъlo dаражada ташкиллаштириди ва ўtkazdi. 2021 йилда Соғлиқни saқлаш va зирliginинг «Соғлиқни сақлаш aъlochisi» kўkrapk niшonи, 2023 йилда Самарқанд viloyat

ҳокимлигининг «Йилнинг энг яхши тиббиёт ташкилотчиси» мукофоти билан taқdirlandi.

Ўзининг илмий-амалий фаолияти давомида 200 дан ортиқ илмий мақолалари республика ва хорижий мамлакатларининг нуфузли нашрларида чоп этилган. Ундан ташқари 2 та патент ва 2 та монографиянинг муаллифи ҳамdir.

*Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам врачлари ассоциацияси, «Шошилинч тиббиёт ахборотномаси» журнали таҳририяти ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази раҳбарияти барчамиз учун қадрли Bahтиёр Ахмедовични 60 йиллик муборак ёши билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оиласвий баҳтсаодат ва касбий фаолиятида янги ютуқлар тилайди!*